

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН АКУШЕРЛИК ВА  
ГИНЕКОЛОГИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
PhD.04/05.06.2020.Tib.114.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**АНДИЖОН ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ**

**НАЗИРОВА ЗИЛОЛА МАХАМАДОВНА**

**ЭНДОМЕТРИЙ ГИПЕРПЛАСТИК ЖАРАЁНЛАРИНИ ЭРТА  
ТАШХИСЛАШ ВА ДАВОЛАШГА ЗАМОНАВИЙ ЁНДАШУВ**

**14.00.01 – Акушерлик ва гинекология**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ–2023**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**  
**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**  
**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)**

**Назирова Зилола Махаматовна**

Эндометрий гиперпластик жараёнларини эрта  
ташхислаш ва даволашга замонавий ёндашув..... 3

**Назирова Зилола Махаматовна**

Современные подходы к ранней диагностике и  
лечению гиперпластических процессов эндометрия..... 27

**Назирова Зилола Махаматовна**

The modern approaches to early diagnosis and  
treatment of endometrial hyperplastic processes..... 51

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works..... 55

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН АКУШЕРЛИК ВА  
ГИНЕКОЛОГИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ  
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
PhD.04/05.06.2020.Tib.114.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**АНДИЖОН ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ**

**НАЗИРОВА ЗИЛОЛА МАХАМАДОВНА**

**ЭНДОМЕТРИЙ ГИПЕРПЛАСТИК ЖАРАЁНЛАРИНИ ЭРТА  
ТАШХИСЛАШ ВА ДАВОЛАШГА ЗАМОНАВИЙ ЁНДАШУВ**

**14.00.01 – Акушерлик ва гинекология**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ–2023**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.3.PhD/Tib327 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Андижон давлат тиббиёт институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида ([www.uzaiig.uz](http://www.uzaiig.uz)) ҳамда «Ziyonet» Ахборот-таълим порталида ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)) жойлаштирилган.

<b>Илмий раҳбар:</b>	<b>Асранкулова Дилором Бахтияровна</b> тиббиёт фанлари доктори, доцент
<b>Расмий оппонентлар:</b>	<b>Саиджалилова Дильноза Джавдатовна</b> тиббиёт фанлари доктори, профессор <b>Зуфарова Шахноза Алимджановна</b> тиббиёт фанлари доктори
<b>Етакчи ташкилот:</b>	<b>Самарқанд давлат тиббиёт университети</b>

Диссертация ҳимояси Республика ихтисослаштирилган акушерлик ва гинекология илмий-амалий тиббиёт маркази ҳузуридаги илмий даражалар берувчи PhD.04/05.06.2020.Tib.114.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2023 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ соат \_\_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил:100140, Тошкент ш, Мирзо Улуғбек тумани, Мирзо Улуғбек кўчаси, 132 уй. Тел./факс: (371) 263-84-83, (371) 263-47-50 E-mail: info@uzaiig.uz).

Диссертация билан Республика ихтисослаштирилган акушерлик ва гинекология илмий-амалий тиббиёт марказининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин ( \_\_\_ рақами билан рўйхатга олинган (Манзил: 100140, Тошкент ш, Мирзо Улуғбек тумани, Мирзо Улуғбек кўчаси, 132 уй. Тел./факс: (371) 263-84-83, (371) 263-47-50)

Диссертация автореферати 2023 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ куни тарқатилди.  
(2023 йил \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**Д.А.Алиева**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**М.М.Файзырахманова**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
илмий котиби, биология фанлари номзоди

**У.Ю.Юсупов**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
қошидаги Илмий семинар раиси,  
тиббиёт фанлари доктори

## **КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Дунёда эндометриянинг гиперпластик жараёнлари кенг тарқалган репродуктив касаллик бўлиб гинекологик касалликлари ичида етакчи ўринларидан бирини эгаллаб қолмоқда. ЖССТнинг маълумотларига кўра «...дунёда 25% ҳолатда эндометрий саратони эндометрийнинг яхши сифатли ўзгаришлари фонида ривожланиб, ўртача 6-7 йил давомийлигида ёмон сифатли жараёнга айланиши намоён бўлмоқда. Эндометрий саратонига айланиш частотаси 23% дан 57% гача ўзгариб турмоқда»<sup>1</sup>. Баъзи муаллифлар берган маълумотларга кўра, «...безли-кистозли гиперплазияда эндометрий саратонининг пайдо бўлиши 2-5% ни ташкил қилмоқда, 15% ҳолатларда ясси хужайрали метаплазия ва 32% ҳолатларда эндометрийнинг аденоматоз гиперплазияси аниқланмоқда. Шунини таъкидлаш лозимки, аёлларда эндометрий гиперплазияси жараёнлари патогенезининг мураккаблиги ва касаллик оқибатларининг оғирлиги ўз навбатида, уни эрта ташхислаш, оқибатларини башоратлаш, даволаш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш ва уни амалий тиббиётга тадбиқ қилишни тақозо этмоқда.

Жаҳонда кечки репродуктив ва пременопауза давридаги аёллар касалликларини аниқлаш, эрта босқичда ташхислаш, даволаш ва профилактика усулларини такомиллаштиришга йўналтирилган илмий-тадқиқотларга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада аёлларда аёлларда ЭПЖ келиб чиқиши ва ривожланиш хавфи омилларини аниқлаш, гормонал ва иммунологик кўрсаткичларнинг ўзгаришларини аниқлаш, гормонал ўзгаришларга ферментатив, аутоиммун, инфекция-токсик, ятроген ва психологик омилларини, гонадотропинлар миқдорлари билан боғлиқ жараёнларни аниқлаш, репродуктив ёшдаги аёлларда скрининг назорати тизимини ишлаб чиқиш, ЭПЖни морфологик, морфометрик ва иммун-гистокимёвий кўрсаткичларини аниқлаш илмий-тадқиқотларнинг устивор йўналиши бўлиб қолмоқда. Шулар билан бир қаторда ЭПЖ хавфини эрта ташхислаш, олиб бориш алгоритминини ишлаб чиқиш ҳамда даволаш чора-тадбирларининг замонавий усулларини ишлаб чиқиш соҳа мутахассислари олдида турган долзарб муаммоларидан бири ҳисобланади.

Мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш, жумладан репродуктив ёшдаги аёллар орасида турли касалликларни эрта ташхислаш, даволаш ва профилактика сифатини оширишга, пременопауза ёшига хос ўзгаришлар натижасида келиб чиқадиган хаёт учун хавфли асоратларни ташхислаш, даволаш ва олдини олишни такомиллаштиришнинг самарали усулларини ишлаб чиқиш борасида кенг камровли ислохотлар амалга оширилмоқда.

2018 йил 7 декабрдаги ПФ- 5590-сон «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги ва 2020 йил 12 ноябрдаги ПФ-6110-сон

<sup>1</sup> World Health Organization website, 2017., <http://www.who.int/healthinfostatistics>

“Бирламчи тиббий-санитария ёрдамчи муассалари фаолиятига мутлақо янги механизмларни жорий қилиш ва соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган ислохотлар самарадорлигини янада ошириш чора тадбирлари тўғрисидаги Фармонлари ва 2019 йил 8 ноябрдаги ПҚ-4513 сонли «Репродуктив ёшдаги аёллар, ҳомиладорлар ва болаларга кўрсатиладиган тиббий ёрдам сифатини ошириш ва кўламини янада кенгайтириш тўғрисида» ва 2020 йил 12 ноябрдаги ПҚ-4891-сон “Тиббий профилактика ишлари самарадорлигини янада ошириш орқали жамоат саломатлигини таъминлашга оид кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ги қарорлари, ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган»

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Маълумки, катта репродуктив ёши ва ундан (пременопауза), перименопауза, менопауза даврига ўтиш жинсий гормонлар даражасининг прогноз қилинмаган флюктуацияси билан тавсифланади. Вазомотор ва эмоционал-вегетатив симптомлар пайдо бўлиши билан бир қаторда ушбу эндокрин ностабиллик 70-80% ҳолатда ҳайз цикл характерининг ўзгаришини клиник жавобини ўз ичига олади (Н. Critchley, 2020). Эстроген ва прогестеронларнинг ортиқлиги ёки танқислиги ҳайз даврида қоннинг кўп келиши ва узоқ вақт давом этиши, анемия, гиперпластик жараёнлар, шунингдек эндометрий атрофияси ҳамда бачадон миомасининг частотасининг ўсишида намоён бўлиши мумкин М. Vofill Rodriguez (2020). Аёллар ҳаётининг ушбу даврларида гинекологларга эндо ва миометрийнинг турли гиперпластик жараёнлари аденомиоз, бачадон миомаси, эндометрий гиперплазияси билан энг кўп мурожаат қилинади, кўпинча радикал гинекологик операцияларни талаб қилади (Р. И. Габидуллин, 2019). Маълумки гистерэктомия тухумдонларнинг гормонал фаоллигини пасайишига олиб келади, бу постгистерэктомия синдромини ривожланиши билан намоён бўлади, баъзи ҳолларда узоқ муддатли даволанишни талаб қилади (Смирнова Г.А., 2019). Жаррохликнинг ўзи организм учун турли хил жиддий асоратлар хавфи билан бирга келади (Доброхотова Э., 2017).

Кейинги йилларда гистологик текшириш мақсадида бачадон бўшлиғи шиллиқ қаватини қириб олиш эндометрий пролифератив жараёнлари диагностикасининг асосий услуги бўлиб қолмоқда (Алиева Д.А., 2019, Аскарлова З.З., 2021). Пременопауза даври прогестерон даражаси етарлича тез ва сезиларли даражада эстрадиол концентрациясининг пасайиши билан изохланади. (Артымук Н.В., 2020). Прогестерон танқислиги, гормонлар таъсирида бошқарилувчи гетероген хужайраларда бўладиган эндометрийда кўпроқ ифодаланади. Шундай қилиб, без эпителийси эстроген стимуляцияга, стромал пролиферация, прогестерон ва эстроген даражасига боғлиқ

(Ивановская Т.Н., 2019). М.А. Шалина (2018) маълумотларига кўра, секретор трансформация прогестерон даражасига боғлиқ бўлади.

Ҳозирги босқичда эндометрий ўзгаришларнинг хусусиятларини ҳар том онлама баҳолашга имкон берувчи биомаркерларни иммуногистокимёвий ўрганиш маълумотлари билан тасдиқланган морфологик хулоса даволаш тактик асини танлашда ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлиши керак (Apostolou G., 2014, Bergeron C., 2018). Оддий, гиперпластик эндометрийнинг рецепторлари ҳолати ни таҳлил қилиш патологик шароитда ҳам эпителий, ҳам стромал ҳужайралар даги эстроген ва прогестерон рецепторлари сонининг ўзгаришини кўрсатади (Савельева Г.М., 2015).

Эндометрий пролифератив жараёнларининг алоҳида жиҳатларига бағишланган тадқиқотларда эндометрий патологик жараёнлари шаклланишининг ҳужайра ичи метаболик механизмларини оралик баҳолашини кўрсатувчи изланишлар, уларнинг ҳужайравий ва субҳужайравий даражада бошқарувчи омиллар тавсифи ҳамда рўйхати мавжуд эмас. Шу муносабат билан эндометрий гиперпластик жараёнларини ҳужайра ва субҳужайра механизмларини аниқлаш, эрта ташхислаш ва даволашга замонавий ёндашув ишлаб чиқиш ҳам илмий, ҳам амалий жиҳатдан долзарб муаммодир.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Андижон давлат тиббиёт институтининг илмий-тадқиқот ишлар режасига мувофиқ «Бачадондан аномал қон кетишни эрта ташхислаш ва даволашни замонавий усулларини такомиллаштириш» (2018–2020 йй.) амалий лойиҳаси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** эндометрий гиперпластик жараёнларини эрта ташхислаш ва даволашга замонавий ёндашувни такомиллаштиришдан иборат.

#### **Тадқиқотнинг вазифалари:**

эндометрий гиперпластик жараёнлари кузатилган кечки репродуктив ва пременопауза давридаги аёлларнинг соматик статуси, генератив анамнези ва гинекологик касалликларини аниқлаш;

эндометрий гиперпластик жараёнлари кузатилган кечки репродуктив ва пременопауза давридаги аёлларда эндометрий морфологик тузилмасини аниқлаш;

кечки репродуктив ва пременопауза даврида эндометрий гиперпластик жараёнлари ва бачадондан аномал қон кетиш кузатилган аёлларда эндометрий гиперпластик жараёнларни ташхислашда эндометрий рецептор статуси ва Ki 67 иммуногистокимёвий текширув қийматини аниқлаш.

клиник, морфологик, иммуногистокимёвий тадқиқотлар натижалари асосида кеч репродуктив ва пременопаузал даврда аномал бачадондан қон кетиши ва эндометрий гиперпластик жараён билан оғриган беморларни олиб бориш алгоритминини ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида 2017-2020 йилларда Андижон вилояти перинатал маркази гинекология бўлими назоратида бўлган 97 нафар

эндометрий гиперплазияси кузатилган бемор аёллар ҳамда 55 нафар қиёслаш гуруҳидаги кечки репродуктив ва пременопауза давридаги аёллар олинди.

**Тадқиқотнинг предмети** сифатида эндометрий гиперпластик жараёни кузатилган аёллар бачадон ва цервикал канали қириндиси морфологик ва иммуногистокимёвий тадқиқотлар учун олинди.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқотда умумклиник, ультратовуш, гистероскопия, морфологик, иммуногистокимёвий ва статистик тадқиқот усулларидан фойдаланилди.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

кеч репродуктив ва перименопаузал ёшдаги аёлларда эндометрий гиперпластик жараёни ривожланишининг клиник ва анамнестик хавф омиллари аниқланган;

илк бор кечки репродуктив ёшдаги беморларда эндометрий безли гиперплазияси полипоз билан биргаликда гистологик ташхисланган бўлса, пременопауза даврида эса эндометрий безли-кистозли гиперплазия ёшга боғлиқ холда кўпроқ учраши аниқланган;

илк бор кеч репродуктив ва перименопаузал ёшдаги беморларда бачадондан аномал қон кетиши ва эндометрий гиперплазияси кузатилганда Кі 67 хужайраларининг паст ва ўртача пролифератив фаоллиги, эстроген рецепторларининг гиперэкспрессияси ва прогестерон рецепторларининг паст экспрессияси беморлар ёшига боғлиқ эмаслиги аниқланган;

илк бор эндометрий ва унинг стероид рецепторлари морфологик ва иммуногистокимёвий тузилиши ҳамда беморлардаги гинекологик касалликлар ва жинсий аъзоларнинг яллиғланиш жараёнининг мавжудлигини ҳисобга олган ҳолда гормонал даволаш принципи асосланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

кечки репродуктив ва перименопауза даврида эндометрий гиперпластик жараёнлари кузатилган аёлларда эндометрийнинг морфологик тузилмаси аниқланган;

эндометрийнинг патологик жараёнларини ташхислаш учун прогестерон ва эстроген рецепторларини аниқлаш ҳамда Кі 67 хужайраларининг пролиферациясини иммуногистокимёвий аниқлаш аниқлаш зарурлиги асосланган;

клиник, морфологик, иммуногистокимёвий тадқиқотлар асосида кеч репродуктив ва перименопаузал даврда аномал бачадондан қон кетиши ва эндометрий гиперпластик жараён билан оғриган беморларни олиб бориш алгоритми ишлаб чиқилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** ишда қўлланилган ёндошув ва усуллар, назарий маълумотларнинг олинган натижалар билан мос келиши, олиб борилган текширувларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, беморлар сонининг етарли эканлиги, клиник, инструментал, морфологик, иммуногистокимёвий, статистик усуллари ёрдамида ишлов берилганлиги, шунингдек, чиқарилган хулоса ҳамда олинган натижалар ваколатли



тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги, тадқиқот натижаларининг халқаро ҳамда маҳаллий маълумотлар билан таққосланганлиги билан асосланди.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундаки, кечки репродуктив ва пременопауза даврида эндометрий гиперпластик жараёни ривожланиши хавф омиллари ва аёл анамнезидаги касалликлар билан узвий боғлиқлиги аниқланганлиги, кечки репродуктив ёшдаги беморларда ЭБГ, ЭБГ билан полипоз гистологик ташхисланган бўлса, пременопауза даврида эса ЭБКГ кўпроқ учраши аниқланганлиги, ЭБГ, ЭБГ ва эндометрий полипозини ва ЭБКГда Кі 67 хужайраларининг паст ва ўртача пролифератив фаоллиги, ЭАГда юқори фаоллик намоён қилиши, ЭГЖда эстроген рецепторларининг юқори даражадаги экспрессияси ва прогестерон рецепторларига эса паст даражадаги экспрессиясининг аниқланиши касаллик патогенезининг янги жиҳатларини очиш имконини бериши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти кечки репродуктив ва пременопауза даврида эндометрий гиперпластик жараёнлари кузатилган аёлларда эндометриянинг морфологик тузилмаси аниқланганлиги, ЭГЖни ташхислаш учун прогестерон ва эстроген рецепторларини аниқлаш ҳамда Кі 67 хужайраларининг пролиферациясини иммуногистохимик аниқлаш зарурлиги асосланганлиги, гормонал терапия учун дори воситаларини индивидуал танлаш принципи асосланганлиги, гиперпластик жараён билан оғриган беморларни бошқариш алгоритми ишлаб чиқилганлиги касалликни эрта ташхислаш ва тўғри даволаш тактикасини қўллаш имконини бериши билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Эндометрий гиперпластик жараёнларини эрта ташхислаш ва даволашга замонавий ёндашув бўйича олинган илмий натижалар асосида:

аёлларда эндометрий гиперпластик жараёнларини ташхислаш ва даволаш бўйича олиб борилган тадқиқот илмий натижалари асосида ишлаб чиқилган «Эндометрий гиперпластик жараёнлари кузатилган аёлларни даволаш тактикаси» номли услубий тавсиянома тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2020 йил 30 ноябрдаги 8н-д/227-сон маълумотномаси). Илмий натижаларнинг жорий қилиниши аёлларда эндометрий гиперпластик жараёнларини эрта ташхислаш ва даволаш чоратадбирларини ўз вақтида қўллашга хизмат қилган;

эндометрий гиперпластик жараёнларини эрта ташхислаш ва даволашга замонавий ёндашув бўйича олинган илмий натижалар соғлиқни сақлаш амалиётига, жумладан, Андижон шаҳар 1-ва 2-туғруқ комплекслари амалий фаолиятига жорий қилинган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2023 йил 12 январдаги 08-00334-сон маълумотномаси). Илмий натижаларнинг клиник амалиётга жорий этилиши аёлларда эндометрий гиперпластик жараёнларини ривожланиш хавфини эрта ташхислаш ва олдини олиш, олиб бориш тактикасини такомиллаштириш, тўғри даволаш тактикасини қўллаш ҳисобига асоратларини камайтириш ҳамда иқтисодий самарадорликка эришишга имкон яратган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 3 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокама қилинган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши.** Диссертация мавзуси бўйича жами 27 та илмий иш, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 12 та мақола, жумладан, 9 таси республика ва 3 таси хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хотима, хулоса, амалий тавсиялар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ ҚИСМИ

**Кириш** қисмида тадқиқот ишининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган. Иш Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Эндо метрий гиперпластик жараёнларни ташхислаш муаммосининг замонавий ҳолати»** деб номланган биринчи бобида эндо метрий гиперпластик жараёнлар билан оғриган беморларни ташхислаш ва даволаш муаммоси бўйича илмий маълумотларни чуқур таҳлил қилиш, танқидий баҳолаш, умумлаштириш ва тизимлаштириш амалга оширилади. Хорижий ва маҳаллий адабиётлар манбалари мисолида адабиётлар маълумотларининг шарҳи тақдим этилган, адабиётлар маълумотларига асосланиб ЭГЖ ва бачадондан аномал қон кетиши патогенезида, ташхисидаги иммуногистокимёвий текширувлар аҳамияти ва эндо метрий гиперпластик жараёнлари ва бачадондан аномал қон кетиши билан оғриган аёлларни гормонал даволашга бағишланган замонавий қарашларнинг таҳлили ўтказилди, шу билан бирга ушбу муаммонинг ҳал қилинмаган ёки аниқлик киритилишини талаб қиладиган жиҳатлари аниқланди. Биринчи боб таҳлил қилинган материални умумлаштирувчи хулосалар билан яқунланади. Уларни кейинги ҳал қилишни талаб қиладиган долзарб масалалар ёритилган.

Диссертациянинг «Клиник материал ва тадқиқот усуллари тавсифи» деб номланган иккинчи бобида клиник материалнинг умумий тавсифи ва тадқиқот усуллари баён қилинган.

Андижон шаҳар Перинатал марказининг аёллар маслаҳатхонаси ва гинекологик бўлимида 2017-2020 йилларда эндо метрий гиперпластик жараёнларининг турли шакллари билан касалланган 45 ёшдан 54 ёшгача


бўлган 97 беморни текшириш ҳамда даволаш натижаларига асосланган истиқболли когорт тадқиқот олиб бордик. 1- гуруҳни ЭГЖ билан кечки репродуктив ёшдаги 57 нафар аёл, 2- гуруҳни пременопауза даврида ЭГЖ билан 40 бемор аёл ташкил қилди. Назорат гуруҳини кечки репродуктив ёшдаги (n=39) ва пременопауза давридаги (n=16) ҳайз кўриш даври бузилмаганлигини кўрсатувчи 55 аёлнинг клиник-лаборатор маълумотлари ташкил қилди., бу гуруҳдан эндометрий патологияси кузатилмаган 10 нафар мутлоқ соғлом аёлда, БИВ ни олиб ташлашда АДҚО ҳам ўтказилди.

Барча беморларни ўрганиш умумий ва акушерлик-гинекологик анамнез маълумотларини баҳолашни ўз ичига олади, ҳайз кўриш функциясининг шаклланиши бошланишини, генератив анамнезни, соматик ва генитал патологиянинг тузилишини ўрганади. Беморларнинг гинекологик текшируви қин ва бачадон бўйни кўзгуларда текшириш, бимануал текшириш, «GE Voluson P8» ультратовуш аппарати ёрдамида динамик қорин бўшлиғи ва трансвагинал ультратовуш текширувини ўз ичига олади. Трансвагинал сенсорлар эндометрий ва миометрийнинг структуравий хусусиятларини аниқроқ мақсадли баҳолаш учун ишлатилган. Биз беморлар шикоят, ҳайз кўриш фаолиятининг шаклланиши, анамнестик маълумотлар, паритет, бирга кечувчи гинекологик ҳамда соматик касалликларни ўргандик.

Эндометрий ҳолатини баҳолаш ва қон тўхтатиш учун «Karl Storz» фирмаси гистероскопияси назоратида бачадон бўшлиғи қириб тозаланди. Гистероскопиядан бачадон бўшлиғи ҳажми, шакли ва эндометрий ҳолати аниқланди. Асосий гуруҳнинг барча беморлари ва таққослаш гуруҳидаги 10 бемор гистологик текширув билан гистероскоп назорати остида бачадон бўйни канали ва бачадон бўшлиғининг куретажидан ўтказилди. Бундан ташқари, асосий гуруҳдаги 60 бемор эндометрий қириндиси иммуногистокимёвий текширувидан ўтказилди. Эндометрийнинг морфологик иммуногистокимёвий усул текшируви т.ф.д. профессор Д. А. Нишанов раҳбарлигида «Premium Diagnostiks» патоморфологик лабораторияда олиб борилди.

Диссертациянинг «**Эндометрий гиперпластик жараёнлари клиник анамнестик хусусиятларини ўрганиш натижалари**» деб номланган учинчи бобида гинекологик бўлимига жинсий йўллардан қон кетишдан шикоят билан мурожаат қилган ЭГЖ ташхисланган 45 ёшдан 54 ёшгача бўлган 97 нафар беморнинг динамик кузатуви, текширув ва даволаш натижаларини ўргандик. Қиёслаш гуруҳига 55 нафар аёлнинг клиник – лаборатор маълумотлари киритилиб, уларнинг 39 нафари кечки репродуктив ёшда ҳамда 16 нафари пременопауза давридаги эндометрий пролифератив жараёни кузатилмаган аёллардан ташкил топди. Қиёслаш гуруҳидаги 55 аёлнинг 10 нафарида бачадон ичи воситасини (БИВ) олиб ташлаш вақтида бачадон бўшлиғи ва цервикал канал алоҳида қириб олинди. Асосий гуруҳ беморларида куйидаги шикоятлар аниқланди: 51(52,6%) аёл жинсий йўлларида жуда кўп, даврий бўлмаган давомли қон кетиш, 46(47,4%) аёлда узоқ муддатли даврий кучаювчи ҳайз.

Деярли ҳар иккинчи аёлда 39(40,2%) ҳайз даври оғриқлилиги аниқланди. Текширув даврига бачадондан қон кетишнинг клиник намоён бўлиш давомийлиги 3 ойдан 1,5 йилгача давом этди.




**1-расм. Ҳар иккала гуруҳ беморларида миометрий хусусиятлари ультратовуш тавсифининг қиёсий таҳлили**

УТТ ёрдамида бачадон ҳажми, тузилмаси, эндометрий қалинлиги баҳоланди. Жуда кўп ҳолатда БАҚК кузатилган беморларда УТТ 29(29,9%) аденомиоз, 43 (44,3%) аденомиоз билан бачадон миомасининг бирикиши, қолган 21 аёлда 21,6% бачадон миомаси ташхисланди. Асосий гуруҳда фақат 4(4,1%) беморда УТТ миометрий томонидан патологияни аниқламади.

Ҳар иккала гуруҳ беморларида миометрий хусусиятлари ультратовуш тавсифининг қиёсий таҳлили берилди. 1- Расм.. Эндометрий қалинлиги 13 ммдан 24 ммгача ўзгариб туради, ўртача  $16,3 \pm 2,5$  ммни ташкил қилади.

Менархе ёшидаги қиёслаш гуруҳидаги барча текширилганлар 13-14 ёшни ташкил қилди, бу асосий гуруҳга нисбатан 2 марта кўплиги аниқланди ( $p < 0,001$ ). Ундан ташқари, кечки менархе бошланиши 15 ёшдан кейинни ташкил қилиб, асосий гуруҳда ҳар 3-беморда аниқланди. Қиёслаш гуруҳида бирорта ҳам беморда менархе ёши 15 ва ундан катта ёшга мос келмади. Қиёслаш гуруҳида аксарият 52 (94,5%) аёлларда ҳайз (менструация) бирдан тикланди ва асосий гуруҳда 44 (45,4%) аёлнинг ҳар иккинчисида бу ҳолат кузатилди ( $p < 0,001$ ). Асосий гуруҳда ҳар учинчи беморда 32 (32,99%) ҳайз (менструация) 2 йил мобайнида тикланганлиги кўрсатилди. Менархе даврида ҳайзнинг оғриқли ва кўп келиши асосий гуруҳда қиёсий гуруҳга нисбатан кўпроқ беморда 38 (39,2%) ва 48 (49,5%) кузатилди  $p < 0,001$ . Қиёслаш гуруҳидаги 100% аёлда ойлик ҳайз ўртача бўлиб, 54 (98,2%) аёлда оғриқсиз кечган. Ҳозирда ҳайз характерини ўрганиш қиёсий гуруҳда барча текширилганларда 55 (100%) ҳайз ҳар ойда регуляр, давомийлиги 4-5 кундан

ошмаганлигини кўрсатди . Асосий гуруҳда аксарият беморларда 70 (72,2%) қон кетиш 14 кунгача давом этганлиги, қолганларида 27 (27,8%) эса 15 кун ва ундан ортиқроқ давом этганлиги аниқланди. Шу билан бирга оғриқли ҳайз асосий гуруҳда 59 (60,8%) беморда ва қиёслаш гуруҳида бир беморда аниқланди  $p < 0,001$ . Асосий гуруҳда барча беморларда ҳайз қони жуда кўп келган.



## 2- расм. Текширилганлар генератив фаолиятининг таҳлили

Текширилганларнинг генератив таҳлилини ўрганиш натижалари 2-расмда берилди. Расмдан кўринадики, асосий гуруҳда 3 (3,1%) бемор анамнезида иккиламчи бепуштлиқ кузатилган. Кўрувда 39 (40,2%) бемор 1-2 марта туғқан, қиёслаш гуруҳида аксарият 53 (96,4%) аёллар 3 марта туғқанлиги анамнезида кузатилган, бу асосий гуруҳдан ишончли тарзда кўп 23 (23,7%),  $p < 0,001$ . Бироқ асосий гуруҳда ҳар учинчи аёл анамнезида 32 (32,99%) 4 ва ундан кўп туғқанлик кўрсатилган, бу қиёсий гуруҳга 2 (3,6%) нисбатан ишончли кўп ҳисобланади  $p < 0,001$ . Ундан ташқари, асосий гуруҳда текширилганлар орасида кўпгина аёлларда 37 (38,1 %) қарши 5 (10,0 %) 3-4 мартадан ҳомиладорлик тиббий тўхтатилганлиги кўрсатилган ( $p < 0,001$ ). 5 ва ундан ортиқ ҳомиладорликнинг тиббий тўхтатилганлиги фақат асосий гуруҳда бўлган. Қиёсий гуруҳдаги ҳеч бир аёл анамнезида ихтиёрсиз ҳомила тушиши кўрсатилмаган, ҳар 10-аёл ўтмишида ҳам ҳомила тушмаган 12 (12,4%), ( $p < 0,001$ ). Ихтиёрсиз ҳомила тушиш частотаси асосий гуруҳ аёллари ўртасида ҳам ўзгариб турган 70 (72,2%) ва 15 (15,5%) аёл анамнезида 1-2

дан 3-4 тагача ихтиёрсиз ҳомила тушиш бўлган. Қиёслаш гуруҳида бунга ўхшаш ҳолатлар кузатилмаган.

Асосий гуруҳда барча беморлар анемия кузатилган. Камқонлик ўрта оғир даражаси асосий гуруҳда ЭГЖ кузатилган 61 (62,9%) беморда, қиёслаш гуруҳида 7 (12,7%) беморда ташхисланган  $p < 0,001$ . Камқонликнинг оғир даражаси асосий гуруҳнинг ҳар учинчи беморида 36 (37,1%) ўзгариб турган. Гипертоник касаллик, оёқлар варикози, шунингдек камқонлик оғир даражаси билан қиёсий гуруҳнинг бирорта ҳам текширилганлари жабрланмаган. Асосий гуруҳнинг аксарият беморлари ошқозон-ичак тракти сурункали касалликларидан қиёсий гуруҳ беморларига нисбатан кўпроқ азобланган: асосий гуруҳда 25 (25,8%) нафар ва қиёсий гуруҳда 7 (12,7%) сурункали колит  $p < 0,05$ ; шунингдек асосий гуруҳда 26 (26,8%) бемор ва қиёсий гуруҳда 8 (14,5%) бемор сурункали холецистит билан касалланган  $< 0,05$ . ЭГЖ кузатилган 27 (27,8%) асосий гуруҳ беморлари қиёсий гуруҳ 6 (10,9%) беморларига нисбатан 2,7 марта кўп сурункали пиелонефритдан азобланган  $p < 0,05$ . Асосий гуруҳ 63 (64,9%) беморларида қиёсий гуруҳ беморларига 9 (16,4%) нисбатан 4 марта кўп қалқонсимон безнинг эндемик катталашгани ташхисланган  $p < 0,001$ . Семизлик асосий гуруҳда 76 (78,4%) беморда қиёсий гуруҳнинг 6 (10,9%) беморига нисбатан кўп аниқланган  $p < 0,001$ . Шунингдек асосий гуруҳ 35 (36,1%) беморларида қиёсий гуруҳ 8 (14,5%) беморларига нисбатан 2,5 марта кўп сут беги патологияси ишончли ташхисланган  $p < 0,05$ .

ЭГЖ кузатилган беморларда гинекологик патология тузилмасида гениталийнинг сурункали яллиғланиш касалликлари улуши 62 (63,9%) кўпроқ бўлиб, қиёслаш гуруҳига нисбатан 16 (29,1%) 2 марта кўп  $p < 0,001$ . Миометрийнинг турли гиперпластик ҳолати ўз ўрнига эга бўлиб, ҳар бешинчи беморда бачадон миомаси, ҳар учинчи аёлда аденомиоз ва бачадон миомаси билан аденомиоз кузатилди. Қиёслаш гуруҳида фақат текширилган 9 (16,4%) беморда аденомиоз ташхисланди. Асосий гуруҳда 27 (27,8%) беморда тухумдоннинг функционал кисталари ўзгариб турди. Ҳар хил жарроҳлик аралашувларидан (цистэктомия, аднексэктомия, тубэктомия) кейин кичик чанок аъзоларининг чандикланиш жараёни асосий гуруҳда 14 (14,4%) ва қиёсий гуруҳда 1 (1,8%) беморда аниқланди  $p < 0,001$ . Қиёслаш гуруҳида 2 (3,6%) беморга қарши 39 (40,2%) беморда эски ёрилиш билан бачадон бўйни деформациясининг катта частотаси диққатни тортади  $p < 0,001$ . Шунингдек, ЭГЖ кузатилган 67 (69,1%) беморда 10 (18,2%) га қарши сурункали цервицит ишончли ташхисланди  $p < 0,001$ . Асосий гуруҳда 18 (18,6%) беморда олдин диатермокоагуляция ўтказилган. Артифициал ва ихтиёрсиз аборт ҳамда туғруқлардан кейинги кўплаб бачадон ичи аралашувлари диққатни тортди. Асосий гуруҳнинг тенг ярми беморларида тиббий абортдан кейин бачадон бўшлиғи такроран кириб тозаланган, ҳар бешинчи аёлнинг туғруқ ва абортдан кейин тана ҳарорати кўтарилган. Таъкидлаш жоизки, беморларнинг деярли тенг ярми ҳомиладорликдан сақланиш мақсадида бачадон ичи контрацептик воситаларидан фойдаланган, 27 (21,6%) аёл 8 йил давомида узлуксиз


фойдаланган. Маълумки, ушбу беморларда эндометрийда сурункали асептик жараён ўз ўрнига эга.

Шундай қилиб, ЭГЖ ривожланишида муҳим патогенетик бўғин ҳисобланган эндометрийда инфекция-яллиғланиш жараёнининг сурункали бўлишига сабаб бўлувчи, бачадон ичи аралашувлари, турли ташриҳлар, туғруқ ва абортдан кейинги асоратларнинг юқори частотаси диққатни тортади. Соматик касалликлар семизлик, калконсимон без патологиялари, сут беги патологиялари, сурункали пиелонефрит муҳим ўринни эгаллади.

**Дисертациянинг «Эндометрий гиперпластик жараёни кузатилган беморларга мос терапияни танлаш ва эндометрий гистологик хусусиятларини ўрганиш натижалари»** деб номланган тўртинчи бобида гистологик тадқиқот натижалари баҳоланди. Жинсий йўллардан бачадон қон кетишга шикоят қилган 45 ёшдан 54 ёшгача бўлган 97 бемор бачадон бўшлиғидан қириб олиб, гистологик текширдик. Қиринди гистологик натижалари аёлларнинг ёш даврига боғлиқликда кўриб чиқилди. 97 беморнинг 57 (58,8%) нафари 45-49 ёшда бўлиб, уларнинг ўртача ёши 47 ни ташкил қилди. Қолган 40 (41,2%) аёл 50-54 ёшда бўлиб, ўртача 51,2 ёшни ташкил қилди.

Эндометрий қириндисининг гистологик натижалари бўйича ЭГЖ кузатилган беморларнинг ёшга боғлиқликда тақсимланиши 4-расмда берилди. Кечки репродуктив ёшдаги беморлар гуруҳида (1-гуруҳ) 57 беморнинг 18 (31,6%) нафарида ва пременопауза даврида (2-гуруҳ) 40 беморнинг 8(20,0%) нафарида эндометрийнинг безли гиперплазияси, 37 (64,9%) нафарида полипоз билан эндометрийнинг безли гиперплазияси кузатилди. Бунда бирорта ҳам беморда пременопауза даврида (2-гуруҳ) полипоз билан эндометрийнинг безли гиперплазияси ташхисланмади.

Кечки репродуктив ёшидаги 2 (3,5%) беморда эндометрийнинг безликстозли гиперплазияси ташхисланди. Ушбу патология аксарият беморларда 32 (80,0%) пременопауза даврида ўз ўрнига эга бўлди  $p < 0,001$ . Миометрий ҳолати ва эндометрийни қириб олишнинг гистологик ҳулосаси ўртасидаги ўзаро боғлиқлик (3-расмда) берилди, миометрий патологиясиз кечки репродуктив ёшдаги беморлар орасида 4 беморда эндометрийнинг безли гиперплазияси кузатилди. Кечки репродуктив ёшдаги беморлар гуруҳида аденомиоз кузатилган 18 беморнинг 14 нафарида эндометрийнинг безли гиперплазияси гистологик ташхисланди (уларнинг 4 нафарида сурункали эндометрит фонида ЭБГ), яна 4 нафарида сурункали эндометрит фонида полипоз билан бириккан эндометрийнинг безли гиперплазия. Бачадон миомаси кузатилган 11 беморда ҳам полипоз билан бириккан эндометрийнинг безли гиперплазияси, 7 нафарида ушбу патология сурункали эндометрит фонида ташхисланди. Аденомиоз билан бирга бачадон миомаси кузатилган 24 беморнинг аксариятида, яъни 22 нафарида полипоз билан бириккан эндометрий безли гиперплазияси (уларнинг 18 нафарида сурункали эндометрит фони), қолган 2 беморда эндометрийнинг безликстозли гиперплазия текширилди.



**3-расм. Эндометрийни қириб олишнинг гистологик натижалари бўйича ЭГЖ кузатилган беморларнинг тақсимланиши**

Пременопауза даврида БАҚК кузатилган беморларда қириб олинган эндометрий таҳлил хулосаси кўрсатишича, аденомиоз кузатилган 11 беморнинг аксариятида 8 нафарда сурункали эндометрит фонида эндометрийнинг безли гиперплазияси, қолган 3 нафарда эндометрийнинг безли-кистозли гиперплазия аниқланган. Пременопауза даврида миома кузатилган 10 нафар беморда эндометрийнинг безли-кистозли гиперплазия ташхисланди, уларнинг ярмида сурункали эндометрит текширилди. Бачадон миомаси билан бириккан аденомиоз кузатилган 19 нафар беморда эндометрийнинг безли-кистозли гиперплазияси текширилди, уларнинг 15 (78,9%) нафарда сурункали эндометрит ташхисланди. Шундай қилиб, олинган маълумотлар ҳар иккала гуруҳда қириб олинган эндометрий гистологияси ва ёши, миометрия ҳолати ўртасида ҳеч қандай боғлиқлик борлиги аниқланмади. Таъкидлаш жоизки, ҳар иккала ёш гуруҳида – кечки репродуктив ёшда 37 (64,9%) ва пременопауза ёшидагилар гуруҳида 28 (70,0%) сурункали эндометрит фарқ қилмади. Безли гиперплазия аниқланган беморларнинг гистологик слайдларини кўриб чиқишда улар гистологик текширилди, эпителиал хужайралар безли тузилмада юқори, ядро ёрқин цитоплазмада гиперхромланган. Безли кистозли гиперплазия билан эндометрий қирилмаси микропрепаратларида гиперплазия билан эндометрий безларининг фрагментлари, без тузилмасида эпителиал хужайралар юқори, ядро гиперхромли, цитоплазма ёрқин, хужайралар атипиясиз, баъзан безлар кистозли кенгайган. (4 расм).



<p><b>Гистологик текширув: эндометрийнинг безли гиперплазияси. Бўялиши: Гемотаксиллин эозин 10×10.</b></p>	<p><b>Эндометрийнинг безли –кистозли гиперплазияси . Бўялиши: Гемотаксиллин эозин 10×10.</b></p>

**4-расм. Гистологик текширув: эндометрийнинг безли ва безли кистозли гиперплазияси. Бўялиши: Гемотаксиллин эозин 10×10.**

Иммуногистохимёвий текширишга эндометрийнинг безли гиперплазияси, полипоз билан эндометрийнинг безли гиперплазияси, шунингдек эндометрийнинг безли-кистозли гиперплазияси ташхиси морфологик тасдиқланган беморлар киритилди. Дастлаб ўзига хос антитана сифатида Ki-67 дан фойдаланилди ва тадқиқот Dako Cytomation баённомаси бўйича босқичма босқич ўтказилди. Антиген Ki-67 - Ki-67 антигенига антитана бўлган ядро оқсилли бўлиб, пролиферацияланганларни (G1, S, M ва G2 хужайра даври босқичи) бошқаради, у тўқималарда ўсиш фракциясини баҳолаш учун қўлланилди. Аммо тинч хужайралар билан реакцияга киришмайди (G0 босқичлари). Иммуногистохимёвий текшириш учун 60 бемор эндометрийси танлаб олинди ва уни қириб олиб таққосланди: 30 бемор 45-49 ёшда ва 30 бемор 50-54 ёшда бўлди. Ҳайз даври бузилишига кўрсатма бўлмаган бачадон бўшлиғидан қириб олиш билан бачадон ичи воситани олиб ташлашдан олинган, бачадон бўшлиғидан олинган қирилма назорат учун хизмат қилди.

Эндометрийнинг безли гиперплазияли қириндида 0-10% ли паст пролифератив кўрсаткич 11 (55%), озроқ кам беморларда 9 (45%) ўртача пролифератив кўрсаткич кузатилди. 20% дан юқори пролифератив кўрсаткич аниқланмади. Полипоз билан безли гиперплазияли қириндида 8 (50%) беморда паст пролифератив кўрсаткич ва худди шундай кўрсаткич 8(50%) аёлда ўртача пролифератив кўрсаткич кузатилди. Эндометрий безли-кистозли гиперплазиясида қиринди паст пролифератив активлик 8 (33,3%) аёлда ва ўртача пролифератив активлик 16 (66,7%) қириндида кузатилди.

**Миометрий ҳолатига боғлиқликда ЭГЖ кузатилган беморларда  
эндометрий қириндисининг гистологик хулосаси**


1-гурӯх		2-гурӯх	
УТТ маълумотлари кўра миометрий ҳолати	гистологик хулоса	УТТ маълумотлари кўра миометрий ҳолати	Гистологик Хулоса
патологиясиз, n=4	ЭБГ, n=4	-	-
аденомиоз, n=18	ЭБГ, n=14	аденомиоз, n=11	ЭБГ, n=8
	ЭБГ + полипоз, сурункали эндометрит, n=4		ЭБКГ, n=3
Бачадон миомаси, n=11	ЭБГ + полипоз, сурункали эндометрит, n=11	Бачадон миомаси, n=10	ЭБКГ + сурункали эндометрит, n=5
			ЭБКГ, n=5
Аденомиоз билан бириккан бачадон миомаси, n=24	ЭБГ + полипоз, n=22	Аденомиоз билан бириккан бачадон миомаси, n=19	ЭБКГ, n=19
	ЭБКГ, n=2		

Юқори пролифератив кўрсаткич 20% дан юқори ҳеч бир қириндида аниқланмади. К<sub>i</sub> 67 эндометрий патологияси кузатилмаган назорат гуруҳидаги аёлларда 9(90%) паст пролифератив курсаткич ва 1(10%) аёлда уртача пролифератив курсаткич ташхисланди. Юқори пролифератив кўрсаткич бу гуруҳда ҳам аниқланмади.

6-7 расмларда К<sub>i</sub>-67 ядро оксиленинг паст позитив экспрессияси билан хужайралар устунлигида эндометрийнинг безли гиперплазияси берилган.

Шундай қилиб, эндометрий гиперплазиясининг ҳамма турида К<sub>i</sub>67 ни ўрганиш БАҚК ва ЭГЖ кузатилмаган гуруҳларга нисбатан 3,5-4,5 марта кўпроқ ҳолатда хужайраларда 10-20% ли пролифератив фаоллик ташхисланди. Текширилганлар орасида К<sub>i</sub> 67 юқори позитив реакцияли хужайралар 20% дан юқори кўрсаткич кузатилмади, бу атипик эндометрий гиперплазияси учун хос бўлган пролиферация кўрсаткичларининг мавжуд эмаслиги ҳисобланади. Асосий гуруҳда 60 нафар беморда прогестерон ва эстрогенга рецепторларни иммуногистохимёвий текширдик, текширув Dako Cytomation бўйича босқичма босқич ўтказилди.


## КІ67 ЯДРО ОҚСИЛИНИНГ КЎРСАТКИЧЛАРИ, %




- Паст пролифератив кўрсаткич 0-10%
- Ўртача пролифератив кўрсаткич 10-20%
- Юқори пролифератив кўрсаткич 20%

Назорат сифатида БИВ олиб ташланганидан кейин пролиферация фазасида олинган икки фазали даврда 10 нафар назорат гуруҳида бачадон бўшлиғидан қириб олинди.

### 5-расм. ЭГЖ ва БАҚК кузатилган беморларда Кі67 ядро оқсилининг иммуногистохимёвий кўрсаткичларини ўрганиш натижалари






### 8- расм. ЭГЖ ва БАҚК кузатилган беморларда эстроген рецепторларини иммуногистохимёвий текширув натижаси

Эндометрийнинг безли гиперплазияси, полипоз билан бириккан эндометрийнинг безли гиперплазияси, шунингдек эндометрийнинг безли-кистозли гиперплазияси кузатилган беморлар иммуногистохимёвий текширилганда, асосан эстроген рецепторлар ўрта ва юқори экспрессияси ташхисланди: «+2» ва «+3» балл 25%, 37% , 25% ва 35%, 25% ҳамда 33,3% .

